

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

РАЖАБОВ Шохрух Равшанбекович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14822657>

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК ТУРЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик турлари, турдош, худудий тегишлилик масалалари илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, унинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёт билан узвий боғлиқлиги бошқа ҳуқуқ соҳалари билан қиёсий таҳлил асосида ўрганилган. Шунингдек, судловга тегишлилик турларининг маъмурий суд ишларини юритишдаги аҳамияти, уларнинг халқаро тажриба ва Ўзбекистон қонунчилигидаги ақс эттирилишига эътибор қаратилиб, олимларнинг тадқиқотлари билан ўзаро баҳс-мунозарага киришилган ҳамда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, маъмурий суд ишларини юритиш, оммавий ҳуқуқий муносабатлар, судловга тегишлилик турлари, турдош, худудийлик, альтернатив тегишлилик, истисно тегишлилик, тегишлилик мезонлари.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВИДОВ ЮРИСДИКЦИИ В АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье проводится научно-теоретический анализ видов судебной подсудности в административном судопроизводстве, вопросов родовой и территориальной подсудности, а также их специфических аспектов, правовых оснований и взаимосвязи с практикой. Исследование основано на сравнительном анализе с другими отраслями права. Кроме того, рассматривается значение видов судебной подсудности в административном судопроизводстве, их отражение в международном опыте и законодательстве Узбекистана. В статье ведется научная дискуссия с исследованиями ученых и формулируются авторские определения.

Ключевые слова: административный суд, административное судопроизводство, публично-правовые отношения, виды судебной подсудности, родовая подсудность, территориальная подсудность, альтернативная подсудность, исключительная подсудность, критерии подсудности.

SOME ASPECTS OF THE TYPES OF JURISDICTION IN ADMINISTRATIVE LITIGATION

ANNOTATION

This article presents a scientific and theoretical analysis of the types of judicial jurisdiction in administrative proceedings, including issues of subject-matter and territorial jurisdiction, as well as their specific aspects, legal foundations, and connection with judicial practice. The study is based on a comparative analysis with other branches of law. Additionally, the significance of different types of judicial jurisdiction in administrative proceedings, their reflection in international experience, and Uzbekistan's legislation are examined. The article engages in scholarly discussions with researchers' studies and formulates original definitions.

Keywords: administrative court, administrative proceedings, public-legal relations, types of judicial jurisdiction, subject-matter jurisdiction, territorial jurisdiction, alternative jurisdiction, exclusive jurisdiction, jurisdiction criteria.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларига тегишли бўлган ишлар Олий суди, вилоят, туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Барча судлар учун умумий жиҳат шундаки, улар маъмурий ишларни бўйича биринчи инстанция суди сифатида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, ҳар бир суд фақат қонун билан унинг ваколатига киритилган ишлар билан шуғулланиши мумкин. Шу сабабли ҳам маъмурий ишлар бўйича судларнинг ваколатларини аниқ белгилаш зарурияти вужудга келади.

Судловга тегишлилик қоидалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш кодекси (кейинги ўринларда МСИЮТК деб аталади) 28-34-моддаларида белгиланган бўлиб, маъмурий ишлар бўйича ваколатларни турли юрисдикцион судлар ўртасида эмас, бевосита маъмурий судлар ўртасида тақсимлайди. Кўриб чиқиладиган маъмурий низолар турига ва ҳар бир суд фаолиятида юритиладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Судловга тегишлилик масалалари ҳақида сўз кетганида, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан қиёсий таҳлил этишни талаб қилади. Боиси, маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқи янги ҳуқуқ соҳасида сифатида юридик фанга кириб келганлиги уни бошқа ҳуқуқ соҳалари билан солиштиришга имкон беради. Хусусан, фуқаролик процессуал қонунчилик судловга тегишлиликнинг қуйидаги икки турини белгилайди:

- Турдош;
- Худудий [1].

М.М.Мамасиддиқов ўз тадқиқотларида, турдош судловлилик деганда, судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишини тушунилади.

Албатта турдош судловлилик қоидаларини белгилашда кўриладиган ишнинг тури, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига қаралади. Шунингдек, турдош судловлилик қоидаларини белгилашда ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этади.

Худудий судловлилик суднинг фаолият кўрсатиш доирасига қараб белгиланиши юридик манбаларда кўрсатилади. Худудий судловлилик деб, жавобгарнинг қонун билан назарда тутилган алоҳида ҳолларда даъвогарнинг ҳам яшаш жойида кўрилишига айтилади [2].

Судловга тегишлилик аслида мазмун-моҳияти ва мезонларидан келиб чиқиб таснифланади. Таснифлаш борасидаги узоқ йиллик ривожланиш босқичлари, суд амалиёти ва ҳуқуқий адабиётлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ваколатли судни топишнинг тушунарли ва содда алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадида, биринчи навбатда судловга тегишлиликнинг мавжуд параметрлари унинг турларига тўлиқ мос бўлиши лозим [3].

МСИЮтКда белгиланган судловга тегишлилик қоидалар икки турдаги судловга тегишлиликни яъни, худудий ва предмет доирасига оид қоидаларни белгилаб беради.

Оммавий-хукуқий муносабатлар билан боғлиқ низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишда судловга тегишлилик масаласи ҳақида олимлар ўртасида турли хил ёндашувлар шаклланган. Масалан, биринчи ёндашув олимлари фикрича, предметли ва худудий судловга тегишлилик билан бир қаторда судлар тизимини белгилайдиган учинчи турга ажратишни таклиф этади. Бу орқали ваколатли судни аниқлаш алгоритмига мос келиши, аризаачи аввало судлар тизимини тўғри аниқлаши, кейин суд тизими бўғинини аниқлаши, кейин суд органининг жойлашувини белгилаб олиши лозимлигини кўрсатиб ўтади [4].

Бунда учинчи судловга тегишлилик учун ном таклиф қилишда ҳам турли хил фикрлар билдирилади. Мисол учун, Н.Е.Браданченкова тадқиқотларида бу турга “ички тизим тегишлилиги” номини таклиф қилган [5].

Бошқа манбаларда цивилистик, маъмурий-хукуқий, тармоқли, тармоқлараро, тизимли, тузилмавий, институционал, субъектли тегишлилик тури сифатида кўрсатиб ўтилади.

Е.В.Любимова эса, “субъектли тегишлилик” энг мақбул вариант бўлиб, чунки, тегишлиликнинг икки асосий мезонига ишора қилишини, агар низо тарафлари юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлса, иш маъмурий суд ваколатига тегишли бўлишини, процессуал хукуқий муносабатларда субъект суд ҳисобланиши, шунинг учун ҳам “субъектли тегишлилик” тушунчаси маъмурий судга ишора сифатида кўрилиши лозимлигини таъкидлайди [6].

Бошқа бир ёндашув вакиллари эса маъмурий хукуқий муносабатдан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда ноодатий судловга тегишлилик турларини таклиф қилади. Масалан, прескрипцион тегишлилик (Рим хукуқидан келиб чиққан атама бўлиб, вақти ва жойи белгиланган ҳолда суд ишларини кўриб чиқишни тартибга солувчи қоидалар), чегаравий тегишлилик (суд ишларини кўриб чиқишда умумий доиралар ва чегараларни аниқловчи қоидалар), матрицавий тегишлилик (турли параметрлар асосида суд ишларини кўриб чиқишни ташкил қилиш ва юрисдикцияларни тақсимлаш усули), уч ўлчамли тегишлилик (маъмурий суд тизимини уч ўлчам шакл сифатида кўриб, унинг турли қисмларини тасвирлайди, вертикал йўналишда предметли, горизонтал йўналишда худудий тегишлиликни кўрсатади), векторли тегишлилик (суд ишларини белгиланган йўналиш ва алгоритм асосида аниқлаш, суд тизимидаги муайян судни топишни ифодалайди) [7].

Бу каби ёндашувлар судловга тегишлиликнинг янги классификацияларини шакллантиришдаги концептуал ёндашувларни бойитади ва янада аниқроқ ифодалаш имконини беради.

В.В.Ярков судловга тегишлилик маъмурий ишлар бўйича ваколатларни юрисдикцион органлар ўртасида тақсимланишини кўрсатиб, умумий юрисдикция судлари ва Олий суд ўртасидаги ваколатларни аниқлашга ёрдам беришини, уни предметли тегишлилик, худудий (маҳаллий) тегишлилик турларига ажратади [8].

Унинг фикрича, предметли судловга тегишлилик суд тизимининг турли бўғинларига тегишли бўлган ишлар ҳисобланиб, у орқали туман судлари, вилоят ва Олий суд ўртасидаги ваколатларни тақсимланишинидир. Бу турдаги тегишлилик суд бўғинига маъмурий ишларнинг аниқ бир тури бўйича, яъни низо предметида кўра тегишли ишлар ҳисобланади.

Шунингдек, худудий тегишлиликни суд бўғинлари ўртасида ишларнинг тақсимланиши сифатида кўрсатиб, уни умумий тегишлилик, алтернатив тегишлилик, истисно тегишлилик, ишлар билан боғлиқлиги бўйича тегишлилик турларига ажратади [8].

Биз юқоридаги Е.В.Любимова фикрларини мунозарали деб ҳисоблаймиз, унинг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. В.В.Ярков эса ўз фикрларини исботлашда фуқаролик хукуқий муносабатларга таянади.

Албатта Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар 2017 йил 1 июлга қадар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилган бўлсада, эндиликда маъмурий низоларни кўриб чиқувчи маъмурий судлар алоҳида суд бўғини сифатида ишни кўришда амалиётда турли хил муаммоларга дуч келмоқда. Бу эса соҳани ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Бу борада хорижий давлатлар қонунчилигида судловга тегишлилик масалаларига ҳам эътибор қаратишни талаб қилади. Мисол учун, Германия маъмурий судларида ҳудудий ва предмет бўйича тегишлилик қонунчиликда аниқ белгилаб берилган. Ҳар бир федерал ҳудуд ўзининг маъмурий суд тизимига эга бўлиб, бу орқали ишларнинг сифатли кўриб чиқилиши таъминлайди [9].

АҚШ маъмурий судларида предмет бўйича тегишлилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у асосан федерал ва штат судлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлашга йўналтирилган. Россияда тегишлилик нормалари “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Ҳудудий ва предмет бўйича тегишлиликдан ташқари, соҳавий тегишлилик тушунчаси ҳам мавжуд [9].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқи доирасида илмий манбалар кам учрайди. Унда бевосита судловга тегишлилик тушунчаси ва турлари ҳақида деярли баҳс мунозаралар мавжуд эмас. Биз асосан бошқа ҳуқуқ соҳалари асосида маъмурий суд ишларини юритиш тушунчаси, унинг турлари ҳақида ўз таклифларимизни илгари сурамиз.

Назаримизда, МСИЮтКнинг 28-моддаси талабларидан келиб чиқиб, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик – маъмурий ишларни туманлараро, вилоят ва Олий суд ўртасида ўзаро тақсимланишига оид қоидалардир.

Судловга тегишлиликнинг қуйидаги таснифи унинг мазмуни ва бошқа параметрларини тўлиқлар очиб беради деган умиддамиз:

- турдош (предметли), ҳудудий.

Турдош (предметли) тегишлилик турли бўғинлардаги суд тизимига тегишли бўлган ишларга нисбатан қўлланилади. У орқали туман судлари, вилоят судлар ва Олий суди ўртасида ваколатлар тақсимланади. Бу ҳар бир суд тизими бўғинига маъмурий ишларнинг муайян турини предметига кўра аниқ белгилаш орқали амалга оширилади.

Турдош тегишлилик биринчи инстанцияда кўриб чиқиладиган ишлар турли даражадаги судлар ўртасида тақсимланишини кўзда тутди. Бу ҳолатда тақсимот учун асосий мезон кўриб чиқилиши лозим бўлган ишнинг предмети эканлиги унинг ўзига хос жиҳатидир.

МСТЮтКнинг 28-моддасида судга тааллуқли ишлар туманлараро маъмурий судлар томонидан кўрилади, бундан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар мустасно [10] эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу нуқтаи назардан туманлараро маъмурий судлар томонидан қуйидаги ишлар кўриб чиқилади:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

5) маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Инвестиция низолари бўйича йирик инвесторнинг, рақобат тўғрисидаги ишлар бўйича томонларнинг хоҳишига кўра ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади.

Кодекснинг 29-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари биринчи инстанция суди сифатида давлат сирлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқса, кодекснинг 30-моддасига асосан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади.

Ҳудудий тегишлилик суд фаолияти қамраб оладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда ишнинг қайси судга тааллуқли эканлигини аниқлайди. У орқали бир хил бўғиндаги судлар (суд тизимининг бир даражасидаги судлар) ўртасида ваколатлар тақсимланади. Ҳудудий тегишлиликни аниқлашда тарафлардан бирининг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда, шу жойдаги суд ваколатида амалга оширилишини назарда тутишга эътибор қаратиш лозим.

Ҳудудий тегишлилик ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий босқичида процесс иштирокчиларининг қулайлиги ва манфаатлари одил судловнинг барча учун очиклиги принципининг таркибий қисмига айланди. Судларнинг аризачи ва жавобгарлар яшаш жойи (бўлиб туриш жойи)га ҳудудий жиҳатдан яқинлашувининг муҳимлиги судловга тегишлиликни тартибга солишни олидиндан белгилаб берди. Е.В. Васьковский ҳудудий судловга тегишлиликнинг умумий қондасини жавобгарга ўзининг доимий яшаш жойидан туриб ҳимояланиш қулайроқлиги, ўзининг фойдасига далилларни йиғиши ва гувоҳларни топиши осонроқ бўлиши, иш юритиш бўйича дастлабки харажатлар аризачига тушиши лозимлиги, бошқа жойда ариза келтириш имконияти бериладиган бўлса асосиз даъволар билдирилишига олиб келиши мумкинлиги билан тушунтирган [11].

Шунингдек, Европа ҳамда инглиз процессуал ҳуқуқида ҳам ҳудудий судловга тегишлилик деб аталадиган норма умумий қоида ҳисобланади. Бунда “venue” (суд жойи) ва “personal jurisdiction” яъни, шахсий юрисдикция тушунчалари шахсининг, яъни жавобгарнинг яшаш жойига боғланади ва унинг ўз яшаш (туриш) жойидаги судда жавоб бериш ва ҳимояланиши лозимлиги назарда тутилади. Жавобгар шахси ва унинг яшаш жойи судни аниқлашнинг энг тўғри усулидир, зеро қулайлик ва имконият асосан суд олдида жавоб берадиган шахсга тақдим этилиши адолатдан бўлади. Аризачи иш учун тайёр, олдиндан далилларни йиғиб олган ҳолда келади, жавобгар эса бу вазиятда ўзи учун қулай жойда жавоб бериши асослидир. Бунда ҳудуд (жой) тушунчаси жисмоний ва юридик шахсларда фарқ қилади. Шунингдек яшаш жойи деганда, жисмоний шахсининг расмий ёки фактик туриш жойи тушунилиши масаласида ҳам мазмуннинг шаклдан устунлиги қондаси қўлланилиши лозим.

Лекин, айрим ҳолатларда ушбу умумий қонидани (жавобгар жойлашган жой бўйича), судловга тегишли судни, ҳудудни ўзгартириш мумкин. Бу томонлар имконияти ва аҳволига ёки бошқа омилларга боғлиқ.

Шу сабабли ҳам маъмурий процессуал қонунчилигида ҳудудий судловга тегишлиликни ўзгартирувчи аризачи танловига кўра судловга тегишлилик, алоҳида судловга тегишлилик каби ҳудудий суловга тегишлиликнинг қоидалари белгиланган. Одил судлов самарадорлигини ошириш учун бу каби аниқ судловга тегишлилик қоидалари бўлиши лозим. Улар мазмун ва мақсадларига кўра томонлар ва суд учун қулайлик, тингланиш ва далиллар тақдим этиш имконияти мавжудлиги каби муҳим омилларга таяниши лозим.

Шу жиҳатдан ҳам МСИЮтК мазмунидан келиб чиқиб, ҳудудий тегишлиликни умумий, альтернатив, истисно (экслюзив), аризачининг танловига кўра тегишлиликка ажратиш мумкин. Маъмурий суд ишларининг ўзига хос хусусияти МСИЮтКга мувофиқ низо тарафлари шартномавий тегишлиликдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Умумий ҳудудий тегишлилик (МСИЮтКнинг 32-моддаси) фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича аниқланади. Давлат ҳокимияти органига, бошқа давлат органига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига, сайлов комиссиясига ёки айрим давлат ёки бошқа жамоатчилик ваколатлари билан таъминланган ташкилотга нисбатан маъмурий аризалар уларнинг жойлашган жойига қараб тегишли судга берилади. Мансабдор шахсга, давлат хизматчига нисбатан ариза эса ушбу шахслар ўз хизмат вазифаларини бажарадиган органнинг жойлашган жойига қараб берилади.

Суд ижрочисининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш бўйича аризалар мазкур мансабдор шахс ўз вазифаларини бажарадиган ҳудуддаги судга тақдим этилади.

Агар давлат ҳокимияти органи, бошқа давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ёки жамоатчилик ваколатлари билан таъминланган ташкилотнинг жойлашган жойи уларнинг ваколатлари тарқаладиган ҳудуд билан ёки мансабдор шахс, давлат хизматчи ўз вазифаларини бажарадиган ҳудуд билан мос келмаса, маъмурий даъво аризаси ваколатлари тарқаладиган ҳудуддаги ёки тегишли шахс ўз вазифаларини бажарадиган ҳудуддаги судга тақдим этилади.

Фуқаролик ёки ташкилотга нисбатан аризалар, агар улар низоги оид оммавий-ҳуқуқий муносабатларида маъмурий ёки бошқа оммавий ваколатларига эга бўлмаган субъект сифатида қатнашса, ушбу фуқаронинг яшаш жойи ёки ташкилот жойлашган жойдаги судга тақдим этилиши лозим.

Альтернатив тегишлилик деганда, маъмурий иш қонунчилигида кўрсатилган бир нечта судлардан бирида аризачининг танловига кўра кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳолат тушунилади. МСИЮтКнинг 33-моддаси умумий ҳудудий тегишлиликни қўллаш имкониятини истисно қилмаган ҳолда, қўшимча ҳолатларнинг рўйхатини ҳам назарда тутаяди, уларга мувофиқ қуйидагилар амалга оширилиши мумкин:

Турли ерларда жойлашган бир нечта жавобгарга нисбатан ариза (шикоят) аризачининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган ердаги судга тақдим этилади;

Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига тақдим этилиши мумкин;

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин.

Маъмурий ишга тегишли бўлган бир нечта судлар ўртасида танлов ҳуқуқи албатта аризага тегишли ҳисобланади.

Истисно тегишлилик деганда, муайян тоифадаги ишлар фақат қонунчиликда аниқ кўрсатилган судларда кўриб чиқилиши назарда тутилади (МСИЮТКнинг 29, 30-моддаси). Истисно тегишлилик тартибида қуйидаги маъмурий ишлар кўриб чиқилади:

Давлат сирлари билан боғлиқ ишлар маъмурий ҳудуд таркибига кирувчи субъектлар жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида кўриб чиқилади;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилади.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик турлари ҳар бир маъмурий ишнинг самарали кўриб чиқилиши ва адолатли ҳал этилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон қонунчилигида бу борада катта ишлар амалга оширилган бўлса-да, хорижий давлатлар амалиётини ўрганиб, тегишли механизмларни такомиллаштириб боришни тақоза қилади.

ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.

1. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма / М. М. Мамасиддиқов. –Тошкент: Vaktria press, 23 б.
2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик / Э.Эгамбердиев, Т.Н. Тиллаев – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. 104-б.
3. Ерохина Т.П. Некоторые проблемы подсудности в гражданском судопроизводстве. Дисс. Канд. Наук. Саратов. 2004. Б. – 38; Voitius, С. А. "Gerichtsstand." Kommentar zu der Strafprozeßordnung für das Deutsche Reich und den dieselbe ergänzenden Vorschriften des Gerichtsverfassungsgesetzes. De Gruyter, 2018. Б.–11-20.
4. Любимова Е.В. Критерии подсудности в гражданском и административном судопроизводстве. дисс. на соис... кан. юрид. наук. Омск. 2020. с – 17.
5. Бараданченкова Н.Е. Новеллы института подведомственности // Арбитражный и гражданский процесс. 2017. N 12. С. 24 - 25.
6. Любимова Е.В. Критерии подсудности в гражданском и административном судопроизводстве. дисс. на соис... кан. юрид. наук. Омск. 2020. с – 18.
7. Басов С.Л. Основные положения Кодекса административного судопроизводства Российской Федерации: конспект лекции для ДПО / С. Л. Басов. — Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2016. с. 28.
8. Административное судопроизводство учебник для студентов высших учебных заведений по направлению “юриспруденция” (специалист, бакалавр, магистр). / Под редакцией доктора юридических наук, профессора, заслуженного деятеля науки Российской Федерации В.В.ЯРКОВА. М.2021. с. 16.
9. Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017. – 37-38 с.
10. <https://lex.uz/docs/3527353>
11. Васьковский Е.В. Курс гражданского процесса: Субъекты и объекты процесса, процессуальные отношения и действия. – М.: Статут, 2016. Б. – 484.